DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-16 Pages: 134-147

Oriental Journal of Philology



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



TIPES OF "MAF 'UL BIHI" IN ARABIC LANGUAGE

Buzahro M. Begmatova
Associate Professor, Candidate of Legal Sciences
Department of Arabic Studies
Tashkent State University of Oriental Studies
***Email**: buzahro73y@mail.ru*
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: Cognate and circumstantial accusative case, maful bihi - object of a transitive verb, maful mutlaq, maful fihi - cognate accusative and hidden accusative, masdar muawwal, Jumlah muawwal.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: Accusative case completes the action of the verb in meaning and answers the questions such as "Who?", "What?", "Who from?", "From what?" It is divided into object of a transitive verb and adverbial object. Object of a transitive verb answers the questions "who?" and "what?" known as المفعول به and comes after subject and predicate. It should be noted that the famous linguist Mustafa Gallaini, in contrast to other modern scientists, in his book "جامع الدروس العربية" distinguishes two types of accusative(cognate and hidden) and divides them into several species. Also, in the aforementioned book of the scholar, there are many other sources of information about object of a transitive verb. "Masdar muwwal" or "jumlah mu'awwal" are can be examples of this.

АРАБ ТИЛИДА "МАФЪУЛ БИҲИ" ТУРЛАРИ

Бузаҳро М. Бегматова
доцент, юридик фанлар номзоди
Арабшунослик олий мактаби
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Email: buzahro73y@mail.ru
Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: асл ва аслига ўхшаш тушум келишиги, мафъул биҳи яъни, воситасиз тўлдирувчи, мутлоқ мафъул, мафъул фиҳи,

Аннотация: Араб тили грамматикасида воситасиз тўлдирувчи тушум келишигида ифодаланади ҳамда

аниқ ва яширин воситасиз тўлдирувчи, масдари муъаввал, жумла муъаввал.

гапнинг эга ва кесимдан кейин келади. Шу ўринда, машҳур тилшунос олим Мустафо Ғалайиний ўзининг "جَامِعُ الدُّرُوسِ العَرَبِيَّةِ" асарида бошқа наҳвшунос олимлардан фарқли равишда воситасиз тўлдирувчини икки тур(аниқ ва яширин)га бўлгани ва ўз ўрнида уларни ҳам бир неча турларга бўлиниши ҳақида маълумотлар берганини таъкидлаб ўтиш зарур. Шунингдек, олимнинг юқорида зикр қилинган асарида воситасиз тўлдирувчи ҳақида бошқа манбаларда учрамайдиган яна кўплаб маълумотларни учратиш мумкин. Улардан "масдари муъаввал" ёки "жумла муъаввал", билан ифодаланган воситасиз тўлдирувчилардир.

ТИПЫ «МАФЪУЛ БИХИ» В АРАБСКОМ ЯЗЫКЕ

Бузахро М. Бегматова
доцент, кандидат юридических наук
Высшая школа арабистики
Ташкентский государственный университет востоковедения
Email: buzahro73y@mail.ru
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: истинный и похожий на истинную форму винительного падежа, мафъул бихи, прямое дополнение, абсолютный мафъул, мафъул фихи, открытое и скрытое дополнение, масдари муъаввал, джумла муъаввал.

Аннотация: В арабском языке прямое дополнение выражается формой насб и находится в постпозиции по отношению к подлежащему и сказуемому. Нужно отметить, что известный лингвист Мустафа Галайини в своем произведении "جَامِعُ الدُّرُوسِ العَرَبِيَّةِ" в отличии от других грамматистов, выделяет две разновидности дополнения - открытое и скрытое дополнение, в свою очередь они разделяются на несколько видов. Также в выше названном произведении описываются такие свойства дополнения, о которых не говорится в других книгах, например, автор выделяет такие типы дополнения, которые выражаются «масдари муъаввал» или же «джумла муъаввал».

Кириш

Маълумки, араб, ўзбек ва рус тиллари учун турланиш ва тусланиш ҳодисаси таниш. Турланиш ҳодисаси ўзбек ва рус тилларида от сўз туркумида юз берса, тусланиш феъл сўз туркумига хос ҳодисадир. Турланиш ва тусланиш тилшуносликда флексия, номи билан ифодаланади. Араб тили грамматикасида эса турланиш ва тусланишга алоҳида грамматик

ҳодисалар сифатида қаралмайди, балки, улар эъроб, деб номланиб исм ва феълнинг эъробланиши, деб аталади

Флексия – эъроб деганда сўзларнинг охирги бўғин унлисининг ўзгариши тушунилади. Исмлардаги бу ўзгариш унинг келишигини, феъллардаги (ҳозирги замон) ўзгариш эса унинг майлини ифодалайди. Исмлар уч келишик, яъни бош, қаратқич ва тушум келишикларида турланади ҳамда уларнинг ичида энг сермаҳсули тушум келишиги-насб ҳолатидир. Биз илмий таҳлилга тортган воситасиз тўлдирувчи ҳам айнан тушум келишигида ифодаланадиган иккинчи даражали бўлакдир.

Адабиётлар таҳлили ва методология. المفعول به – воситасиз тўлдирувчи ҳақидаги маълумотлар араб тили грамматикасига оид манбаларнинг деярли барчасида учрасада, уларнинг баъзиларида мавзу умумий тарзда ёритилган бўлса, баъзиларида тўлиқ ёритиб ўтилганини кўришимиз мумкин. Мана шундай манбалардан бири Мовароуннаҳрлик олим Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Муфассал” асарлари бўлса, яна бири Саййид Шариф Журжоний қаламига мансуб “Наҳви Мир” асари бўлиб, у Самарқанд мадрасалари талабалари учун махсус ёзилган ва ҳар икки асарда тадқиқ қилинаётган мавзу батафсил ёритиб ўтилган. Шунингдек, воситасиз тўлдирувчи мавзуси замонавий араб тилшуноси шайх Мустафо Ғалайинийнинг “جَامِعُ الدُّرُوسِ العَرَبِيَّةِ” номли асарида ҳам кенг ва батафсил таҳлил қилинган.

Тадқиқотда тавсифий, қиёсий-тарихий ва компонентли таҳлил методларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва тадқиқот натижалари. Энди эса араб тилшунослари, яъни наҳвшунос олимларни флексия, яъни эъроб масаласига қандай ёндошганликларини кўриб ўтсак. Жумладан, ўрта асрнинг машҳур тилшунос олими Маҳмуд Замахшарий (1075-1144) “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” асарида флексияга шундай таъриф беради:

"الإعرَابُ هُوَ اِخْتِلاَفُ أَخِرِ الكَلِمَةِ بِاِخْتِلاَفُ العَوَامِلُ. اِخْتِلاَفُ الأَخِرِ اِمَّا بِالحَرَكَاتِ... وَ اِمَّا بِالْحُرُوفِ ."

“Омиллар ўзгариши сабабли сўзларнинг охирида юз берадиган ўзгариш “эъроб” дейилади. Сўз охиридаги ўзгариш ё ҳаракатларда бўлади ёки ҳарфларда намоён бўлади” (Mahmud Zamakhshari, 1987, p. 2.).

Шайх Мустафо Ғалайиний ҳам бу фикрни тасдиқлаб:

فَالإعْرَابُ: أَثَرَ يَحْدُثُ فِي اَخِرِ الكَلِمَةِ، بَعَدَ اِنْتِظَامِهَا فِى الجُمْلَةِ، فَيَكُونُ آخِرُهَا مَرْفُوعًا اوْ مَنْصُوبًا اوْ مَجْزُومًا، حَسْبَ مَا يَقْتَضِيهِ مَوْقِعُهَا فِى الجُمْلَةِ، مثل: "رَجُلٌ" مِنْ قَوْلِكَ جَاءَ رَجُلٌ، رأيتُ رجلاً، و مررتُ برجلٍ"، و مثل: "تذْهَبُ" من قولك: "تذهبُ، و لن تذهبَ، و لا تذهبْ "

“Эъроб –жумладаги вазифасига қараб, сўз охирида рўй берадиган ҳодисадир. Сўзнинг охири жумладаги вазиятга қараб, даммаланган (مرفوعًا) ё фатҳаланган (منصوبًا) ёки касраланган (сукунланган) (مجزومًا) бўлиши мумкин. Масалан “киши” сўзи қуйидаги

кўринишларда келиши мумкин: جَاءَ رَجُلٌ - киши келди (бу ерда бош келишикда), رأيتُ رجلاً - кишини кўрдим (бу ерда тушумда), مررتُ برجلٍ - киши билан учрашдим (бу ерда қаратқич келишигида). Шунингдек феъллар ҳам турлича эъробланган бўлади, масалан: تذهبُ - бораяпсан (даммаланган مرفوعًا), لن تذهبَ - умуман бормайсан (фатҳаланган منصوبًا), لا تذهبْ - борма (сукунланган مجزومًا)” (Sheikh Al-Ghalayni, 2007, p. 22.).

Исм ва феъллар юқорида келтириб ўтилган тўртта қисқа унлилар билан ҳаракатланишини билишимиз зарур. Улар “дамма”, “фатҳа”, “касра”, “сукун”дир. Агар сўз дамма билан ҳаракатланса "рафъ” ҳолатида, фатҳага тугаса “насб” ҳолатида, касра билан ҳаракатланса “жарр” ҳолатида, сукунга тугаса “жазм” ҳолатида бўлади. Демак, дамма, фатҳа, касра ва сукун асл эъроб аломатларидир. Шу билан бирга, жарр ҳолати фақат исмларга, жазм эса фақат феългагина хослигини унутмаслигимиз керак (Sheikh Al-Ghalayni, 2007, p. 21.).

Шунингдек, Мустафо Ғалайиний исм сўз туркумига кирувчи сўзлар нафақат ҳаракатлар, балки ҳарфлар билан ҳам турланиши ҳақида маълумот берган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, араб тили грамматикасида ўзбек тилидаги каби турланиш ва тусланиш ҳодисасини ифодаловчи алоҳида термин мавжуд эмас. "Раф”, “насб”, “жарр” ҳолатлари деганда она тилимиздаги келишиклар, тўғрироғи бош, тушум ва қаратқич келишиклар назарда тутиляпти. Демак бу бизга маълум турланишга тўғри келади. Феълларнинг раф, насб, жазм ҳолатлари деганда эса, феълларни майлларда ўзгариши, яъни она тилимиздаги тусланиш ҳодисаси ҳақида сўз бораяпти. Феълларнинг раф ҳолати она тилимиздаги хабар майлига, насб ҳолати истак майлига ва ниҳоят жазм ҳолати шарт майлига тўғри келади.

Маълумки, она тилимизда олтита келишик мавжуд бўлиб, улар бош, тушум, қаратқич, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишикларидир. Араб тилида эса, учта келишик мавжуд ва улар рафъ (رفع) –бош келишик, жарр (جرّ) - қаратқич ҳамда насб (نصب) - тушум келишигидир. Мазкур келишиклар орасида тушум келишиги энг сермаҳсулидир. Шунинг учун бўлса керак, кўплаб наҳвшунос олимлар ўз асарларида бу келишикка алоҳида тўхталиб ўтганлар ёки у ҳақида батафсил маълумот беришга ҳаракат қилганлар. Жумладан, Ўрта асрнинг машҳур тилшуноси, ватандошимиз Маҳмуд Замахшарий насб ҳолати-тушум келишиги ҳақида ўзининг “алУнмузаж” деб номланган асарида келтирган маълумотлар қуйидагича:

المَنْصُوبَاتِ ضَرْبَيْنِ: أَصْلٌ وَ مُلْحَق بِهِ. فَأَصْلِ هُوَ المَفْعُولُ وَ هُوَ عَلَى خَمْسَةِ أضْرَبِ .

“Насб ҳолатидаги исмлар икки хил бўлади: 1. Асл [насб ҳолатидаги исмлар]. 2. Аслга ўхшаш [насб ҳолатидаги исмлар]. Асл насб ҳолатидаги исмлар مفعول мафъуллардир (Mahmud Zamakhshari, 1987, p. 4.).

1. المفعول المطلق - мутлоқ мафъул (ўзўзини тўлдирувчи). У кўпинча масдар билан ифодаланган. Масалан: ضَرَبْتُ ضَرَبًا و ضَرَبَةً و ضَرَبَتَينِ و قَعَدْتُ جُلُوسًا "зарб билан урдим, бир зарб билан урдим ёки икки марта зарб билан урдим".

Мутлоқ мафъул одатда ноаниқ ҳолатда насб ҳолатида бўлади.

2. المفعول به - мафъул биҳи (яъни, воситасиз тўлдирувчи).

"Мафъул биҳи яширинган феъл сабабли насб ҳолатида туради. Масалан: لِلحَاجِ مَكَّةَ وَ للرَامِى القرطاسَ - Ҳожига Маккани, мерганга нишонни тилайман" (Mahmud Zamakhshari, 1987, p. 30.).

3. المفعول فيه -мафъул фиҳи (яъни, ўрин ва пайт ҳоллари).

Мафъул фиҳи у икки (хил) ҳолдир. Пайт ҳоли ва ўрин ҳоли. Уларнинг ҳар бири мавҳум ва аниқ кўринган ҳол бўлиши мумкин. Пайт ҳоли ҳар доим насб ҳолатида туради. Масалан: اتَيَتُ اليومَ و بُكْرَةَ و ذات ليلةٍ- бугун келдим, кеча келдим, бир куни тунда келдим".

Ўрин ҳолларда фақат мавҳумлари насб ҳолатида бўлади. Аниқ ўрин ҳолларида эса албатта олд кўмакчиси бўлади. Масалан: قُمت امامَك- Олдинга турдим, صَلَيتُ في المَسجِدِ Масжидда намоз ўқидим" (Nosirova, 2005, p. 97).

4. – المفعول معهмафъул маъаҳу, яъни биргалик тўлдирувчиси.

Биргалик тўлдирувчиси, масалан,- مَا صَنَعْتُ وَ اَبَاكَМен отанг билан ҳеч нарса қилмадим, - مَاشَانُكَ وزيدًاЗайд билан сенинг ишинг йўқ. Бундай тўлдирувчи бўлиши учун [гапда] феъл ёки феъл маъноси бўлиши керак.

5. – المفعول لهмафъул лаҳу, яъни сабаб ва мақсад ҳоли.

Масалан, - ضربته تأديبًا لهُУнга одоб бериш мақсадида урдим. Бирор иш ҳаракатнинг содир бўлиши учун мақсад ёки сабабни билдирган ҳар қандай сўз ҳам المفعول له деб аталади (Mahmud Zamakhshari, 1987, p. 30.).

Араб тилида насб ҳолати, яъни тушум келишиги ҳақида машҳур рус арабшуноси Б.М.Гранде қуйидагича маълумот беради: "Тушум келишиги исмнинг феълга тобелигини ифодалайди. Бу тобелик турлича, яъни воситасиз тўлдирувчидан тортиб, ишҳаракатни аниқлайдиган, чеклайдиган ва ривожлантирадиган турларгача бўлиши мумкин. Бу тўлдирувчилар насб ҳолатида туради ва феълга тавсиф беради. Бундай тавсифлар ҳинд-европа тилларида, масалан, равиш ёки ҳолатни билдирувчи сўзлар ёрдамида ифодаланади. Бу келишикни кенг маънода "феъл" ёки "равиш" келишиги деб аташ тўғрироқ бўлар эди. Бунда "равиш" келишиги тушунчаси билан бирга объект келишиги ҳам тушунилиши керак" (Grande, 1998, p. 328.). Араб тилида насб ҳолати-тушум келишиги исмнинг феълга тобелигини расмийлаштириш воситасидир. Шунга кўра, насб ҳолатидаги сўз ўзи боғлиқ бўлган гап бўлаги феълкесим билан маъно томонидан мустаҳкам боғланган бўлади.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, тушум келишигида ифодаланадиган гап бўлакларидан бири бу воситасиз тўлдирувчи бўлиб, у араб тилида المفعول به - мафъул биҳи, деб номланади. Ал-мафъул биҳи асл тушум келишигидаги исмлар таркибида ўрганилади ва энг кўп ишлатиладиган гап бўлакларидан биридир.

Феъл ифодалаган ишҳаракатни мазмунан тўлдириб “кимни?”, “нимани?”, “кимдан?”, “нимадан?” каби сўроқларига жавоб бўлувчи гап бўлаги тўлдирувчи дейилади.

Тўлдирувчи воситали ва воситасиз бўлади. Ишҳаракатнинг объектини билдириб, “кимни?”, “нимани?” сўроғига жавоб бўлувчи тўлдирувчи воситасиз тўлдирувчи дейилади. Масалан, “Мен китобни ўқидим.” “Сен Аҳмадни учратдингми?” Бу икки жумлада ҳам воситасиз тўлдирувчи мавжуд ва у “китобни” ҳамда “Аҳмадни” сўзларидир.

Араб тилида феъл кесимли гапларда гапнинг эга ва кесимдан кейин бевосита воситасиз тўлдирувчи келади ва юқорида айтиб ўтганимиздек у насб ҳолатида бўлади. Масалан: كَتَبَ الطَالِبُ الواجب- Талаба вазифани ёзди. فَهِمَتْ زَيْنَبُ المَوضُوعَ - Зайнаб мавзуни тушунди. Мана шу икки гапдаги “вазифани” ҳамда “мавзуни” сўзларимиз المفعول به , яъни воситасиз тўлдирувчидир ва айтиб ўтганимиздек улар насб ҳолати, яъни тушум келишигида ифодаланган.

Араб тилшунослари المفعول به га қандай таъриф берганларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, жумладан, Мустафо Ғалайинийнинг асарида шундай маълумотларни учратишимиз мумкин:

المَفْعُول بِهِ اسْمٌ مَنْصُوبٌ يَدُلُّ عَلَى مِنْ وَقَعَ عَلَيْهِ فَعْلُ الفَاعِلِ وَ لا تَتَغَيَّرُ مَعَهُ صُورَةُ الفِعْلِ

Воситасиз тўлдирувчи насб ҳолатидаги исм бўлиб, иш-ҳаракат йўналтирилган объект бўлади. Бунда феъл ўзгармайди. Воситасиз тўлдириувчининг келишига гапнинг бўлишли ёки инкор гап эканлигининг аҳамияти йўқ. Ҳар икки турдаги гапда ҳам тўлдирувчининг бу тури ишлатилаверади. Масалан: "بريَتُ القلمَ" - Қаламни учини чиқардим; "ما بَرَيتُ القلمَ" - Қаламни учини чиқармадим (Sheikh Al-Ghalayni, 2007, p. 5.).

Жумла таркибида битта эмас, бир нечта воситасиз тўлдирувчи келиши мумкин. Масалан: "أعطيتُ الفقير دِرهما" - Камбағалга дирҳамни бердим. ظننتُ الأمرَ واقعًا- Ишни амалга оширилган, деб ўйладим. أعلمتُ سعيدًا الأمر جَليًا- Саидга буйруқни аниқ етказдим.

Юқоридаги жумлалардаги دِرهمًا- дирҳамни, الأَمْرَ - ишни ҳамда سعيدا - Саидни сўзлари насб ҳолатида бўлиб, гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган (Sheikh Al-Ghalayni, 2007, p. 5.).

Мустафо Ғалайини ўзининг “جَامِعُ الدُّرُوسِ العَرَبِيَّةِ” асарида бошқа наҳвшунос олимлардан фарқли равишда воситасиз тўлдирувчини икки турга бўлган, булар аниқ ва яширин المفعول به лардир. Олим ҳар икки турга қуйидагича таъриф берган: Аниқ воситасиз тўлдирувчи ҳам икки турга бўлинади ва улар кўриниб турган ҳамда бирикма ёки ажратувчи

олмош ёрдамида ифодаланган мафъуллардир. Масалан: فَتَحَ خالِدٌ الحِيرة - Холид Ҳийра (шахри)ни очган. أكْرَمْتُكَ و أكْرَمتُهُم - Сени ва уларни ҳурмат қиламан. إيَّاهُ أُرِيدُ - Уни ҳоҳлайман (Sheikh Al-Ghalayni, 2007, p. 6.).

Биринчи жумлада кўриниб турган воситасиз тўлдирувчи келган ва у “Хийрани” сўзи, иккинчи ва учинчи жумлаларда бирикма ҳамда ажратувчи олмош билан ифодаланган, улар “сени, уларни”, “уни” олмошларидир.

Яширин воситасиз тўлдирувчи эса уч турга бўлинади. Биринчиси масдари муъаввал билан ифодаланиб, масдарий юкламалардан кейин келади ва бундай жумла таркибида воситасиз тўлдирувчи кўринмайди. Масалан: عَلِمْتُ أنَّكَ مُجْتَهِدٌ- Биламанки, дарҳақиқат сен тиришқоқсан. Жумладан кўриниб турибдики, бу ерда ҳеч қандай воситасиз тўлдирувчи йўқ, чунки у масдари муъаввал билан ифодаланиб, юкламадан кейин келган. Шу ўринда “масдари муъаввал”нинг ўзи нима дегани, у қандай термин, шунга изоҳ бериб ўтсак. “масдари муъаввал” ҳақиқий масдар билан эмас, балки сифатдош ёрдамида қуйидаги формула (агар шундай дейиш мумкин бўлса) орқали ҳосил қилинади: эгага таъсир қилувчи юклама + унинг эгаси + унинг от-кесими. От-кесим вазифасида сифатдош келади. Бу гапни аниқ воситасиз тўлдирувчи билан ҳам ифодалаш мумкин, шунда у қуйидаги тарзда бўлади: عَلِمْتُ اجْتِهَادك - Сени тиришишингни биламан (Sheikh Al-Ghalayni, 2007, p. 6.). Бу мисолада “тиришишингни” сўзи воситасиз тўлдирувчи ва у яширин эмас, балки кўриниб турибди.

Иккинчиси алоҳида ифодаланган жумла муъаввал билан берилади. Масалан: ظَنَنْتك تَجْتهِدُ- Мен сени ҳаракат қиласан, деб ўйладим. Бу мисолада “сен ҳаракат қиласан” жумласи гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган ва у араб тилида “жумла муъаввал”, деб номланади.

Учинчи тури бу аслида келиши лозим бўлган предлогнинг тушиб қолиши натижасида сўзнинг тушум келишигида туришидир. Масалан: دَخَلَ الْغُرْفَةَ- Хонага кирди. Бу жумлада “хона” сўзининг насб ҳолатида туришига сабаб, аслида келиши лозим бўлган “إلَى” предлогининг тушиб қолганлигидир (Sheikh Al-Ghalayni, 2007, p. 6.).

Шу ерда таъкидлаб ўтишимиз керакки, предлогнинг тушиб қолиши натижасида бирор сўзнинг насб ҳолатида туриши кўпгина ўзбек ёки рус арабшуносларининг асарларида воситасиз тўлдирувчи, деб кўрсатилмаган. Предлогнинг тушиб қолиши натижасида тушум келишигида турган сўзнинг المفعول به, деб ҳисобланишини Мустафо Ғалайинининг биз ўрганаётган асарида учратдик.

Шунингдек, Мустафо Ғалайини المفعول به ни тўрт хил ҳолатда ифодалаш мумкинлиги ҳақида тўхталиб, жумладан шундай маълумотларни келтириб ўтган: биринчидан, воситасиз тўлдирувчи насб ҳолатида бўлади.

Иккинчидан, гапда у тушиб қолиши ҳам мумкин. Уни араб наҳвида “тақдирда мавжуд бўлиш” деб айтилади. Масалан: رَعَت المَاشِيَةُ - Йўловчи авайлади. Бу гапда воситасиз тўлдирувчи тушиб қолган, яъни йўловчи нимани авайлагани жумлада номаълум, лекин тақдирда нима эканлиги аниқ. Аслида бу жумла қуйидагича бўлган: رَعَت المَاشِيَةُ العشبَ - Йўловчи ўт-ўланни авайлади. Ёки هَلْ رَايْتَ خَلِيلاً- Халилни кўрдингми? , деб сўралса, رَايتُ - кўрдим, деб қисқа жавоб берамиз. “Халилни” сўзини айтмасакда, уни ёдимизда сақлаймиз.

Учинчидан, воситасиз тўлдирувчи ифодаланиб, уни келишини талаб қилувчи феъл тушиб қолиши мумкин. Бу ҳолат ҳақида Мустафо Ғалайиний шундай маълумот беради: агар сендан “ مَنْ أُكْرِمُ” - “кимни ҳурмат қилишим керак”, деб сўрасалар, сен العلماءَ - “олимларни”, деб қисқагина жавоб берасан. Кўриб турганимиздек бу ерда феълни тушуриб қолдиргансан (Sheikh Al-Ghalayni, 2007, p. 6.).

Жумлаларда воситасиз тўлдирувчини келишини талаб қилувчи феълни тушиб қолиш ҳолати кўпроқ мақол, матал ва масалларда учрайди. Масалан: الكلابَ عَلَى البَقَرِ - Итларни ҳўкизга, деб айтадилар. Аслида бу, علَى البَقَرِ أرْسَلَ الْكلاب - Итларни ҳўкизга юбор тарзида бўлган (Sheikh Al-Ghalayni, 2007, p. 8.).

Уйимизга меҳмон келганида ишлатадиган иборамиз, аҳлан ва саҳлан أَهْلاً و سَهلاً- Ҳуш келибсиз, иборасида ҳам унда ишлатилиши керак бўлган феъллар тушиб қолган. Иборанинг тўлиқ шакли қуйидагича: جِئْتَ أهْلاً و نَزَلتَ سَهلاً

Тўртинчидан воситасиз тўлдирувчи феъл ва эгадан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим манбаларда воситасиз тўлдирувчилар одатда эгадан кейин келади дейилган. Араб тилшуноси Мустафо Ғалайиний эса воситасиз тўлдирувчи ўз эгасидан ёки кесимидан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин, деб маълумот беради.

Масалан: Деҳқон пахтани теради يجنى القطنَ الفلاحُ

Жумладаги القطنвоситасиз тўлдирувчи бўлиб, الفلاح бу феълий жумланинг эгасидир ва у воситасиз тўлдирувчидан кейин келган.

Мустафо Ғалайини қуйидаги ҳолатларда ҳам воситасиз тўлдирувчи ўз эгасидан олдин келиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирган.

و يجب تقديم المفعول به على فاعله اذا كان ضميرًا منفصلاً

“Воситасиз тўлдирувчи (المفعول به) ажратиб ёзилувчи олмош орқали ифодаланган бўлса ўз эгасидан олдин келади. Масалан,

إياك نعبد و إياك نستعين

“Сенгагина ибодат қиламиз ва сендангина ёрдам сўраймиз” (Sheikh Al-Ghalayni, 2007, p. 11.).

Машҳур араб тилшуноси Ҳифни Носиф воситасиз тўлдирувчининг ишлатилиш ўрни ҳақида қуйидаги фикрни келтириб ўтган:

المفعول به феъл-кесим ва эгадан олдин ҳам келиши мумкин, агар сўзловчи уни таъкидламоқчи бўлса. Масалан: علياً أكرَمْتُ - Алини ҳурмат қилдим. Бу мисолда “Алини” сўзи воситасиз тўлдирувчи бўлиб, таъкидланаётгани учун, феъл-кесим ва эгадан олдин қўйилган (Nasif, Khifni et al., 2006, p. 338).

Яна бир араб тилшуноси Фуад Неъмат ўзининг “Араб тили қоидаларининг қисқача баёни” асарида воситасиз тўлдирувчига оид қуйидаги маълумотларни беради:

Тўлдирувчи насб ҳолатидаги исм бўлиб, иш-ҳаракат йўналтирилган объект бўлади. Масалан:

1) Маҳмуд шохни кесди قطع محمود الغصنَ

2) Ақлли (киши) илмни излайди يطلب العاقل العلمَ

3) Аллоҳ инсонни яратди خلق الله الإنسانَ

4) Бўри қўйни ейди يأكل الذئب الغنم

Юқоридаги жумлалардаги الغصن- шохни, العلمَ илмни, الإنسان инсонни, الغنمَ қўйни сўзлари насб ҳолатида бўлиб, гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган (Nemah, Fouad, 1998, p. 234).

Бу асарда воситасиз тўлдирувчи вазифасида келувчи исмлар ҳақида ҳам фикр юритилган бўлиб, уларга шундай таъриф берилган:

Воситасиз тўлдирувчи вазифасида қуйидагилар келиши мумкин:

а) юқоридаги мисоллардаги (الغصنَ ,العلمَ ,الإنسانَ ,الغنم каби келишикларда турланадиган) исмлар;

б) ёки ҳеч қандай ўзгаришларга учрамайдиган, яъни келишикларда турланмайдиган исмлар (бирикма олмошлар, кўрсатиш олмошлари ва бошқалар). Масалан:

Мен сени кўрдим رأيتك

Биз сенгагина ибодат қиламиз إياك نعبد

Биринчи жумладаги ك бирикма олмоши, иккинчи жумладаги إيا ажратиб ёзилувчи олмош бўлиб, воситасиз тўлдирувчи вазифаларида келган.

يشجع الجمهورية هذا اللاعبَ - Омма бу ўйинчини рағбатлантиради.

Бу жумладаги هذا кўрсатиш олмоши насб ҳолатидаги исм вазифасида келган (Nemah, Fouad, 1998, p. 64).

Шу ўринда воситасиз тўлдирувчи ўзбек арабшунослари томонидан қандай ёритилганига ҳам тўхтаб ўтсак. Жумладан, Н.Иброҳимов ва М.Юсупов араб тилида феъл-кесимли гапларда бош бўлаклардан сўнг воситасиз тўлдирувчи келиши ҳақида маълумот бериб, мана шу воситасиз тўлдирувчи гапнинг феъл-кесимига қўшилган бирикма олмошлар

билан ҳам ифодаланиши мукинлигини таъкидаганлар ҳамда унга қуйидаги мисолларни келтирганлар: كتبت الرسالة - мен хатни ёздим ёки كتبتها – уни ёздим шаклида (Ibragimov, Yusupov, 2009, p. 218). Шунингдек, улар воситасиз тўлдирувчи вазифасида келаётган бирикма олмошлар ҳақида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтганлар: “Баъзан тарихий ёдгорликларда бирикма олмошлар бевосита феълга қўшилмай, “إِيَّا” юкламасига қўшилган. Масалан: إياك نعبد- Биз сенгагина ибодат қиламиз (Ibragimov, Yusupov, 2009, p. 218).

Яна бир ўзбек арабшуноси А.Абдужабборов эса қуйидаги маълумотларни бериб ўтган: Феъл билан бириккан олмош тушум келишигидаги воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажаради: ضربته - уни урдинг, قتلها - уни (муаннас) ўлдирди, رأيناك - сени кўрдик. Тушум келишигидаги бирикма олмошни таъкидлаш учун уни “إِيَّا” ёрдамчи сўзи билан ишлатиш мумкин:

أرجُوك-сендан сўрайман-إياك أرجوك-сенинг ўзингдан сўрайман;

طردتنا-бизни ҳайдадинг-إيانا طردتنا-бизни (ўзимизни) ҳайдадинг;

تزوجتها - унга уйландим ёки إياها تزوجتها-худди ўшанга (унинг ўзига) уйландим (Abdujabborov, 2007, p. 91-92.).

Юқоридаги (ўзбек арабшунослари томонидан берилган) маълумотлардан шуни хулоса қилса бўладики, бу ерда Мустафо Ғалайиний “аниқ мафъул биҳи” деб номлаб, “кўриниб турган ҳамда бирикма ёки ажратувчи олмош ёрдамида ифодаланган мафъуллар”, деб номлаган воситасиз тўлдирувчи назарда тутилган.

Машҳур рус арабшуноси Б.М.Гранде ўзининг “Курс арабской грамматики в сравнительноисторическом освещении” асарида ҳам воситасиз тўлдирувчи ҳақида кенгроқ маълумот беради (Grande, 1998, p. 434-440)

Бу асарда ҳам араб тилшунослари таъкидлаганидек, тўлдирувчилар кўпроқ турли хил феъллардан кейин келиши кўрсатиб ўтилади ва насб ҳолатидаги тўлдирувчилар асосан иккига бўлинади:

1) бевосита насб ҳолатидаги объект (винительный падеж прямого объекта);

2) билвосита насб ҳолатидаги объект (винительный падеж внешного объекта).

Бу икки объектни ҳам асосан ўтимли феъллар бошқаради. Бу феъллар қуйидаги турларга ажратилади. Улардан кейин воситасиз тўлдирувчи келади.

а) “нутқ орқали мурожаат қилмоқ”, “буйруқ бермоқ”, “жавоб бермоқ” маъносини англатувчи феъллар. Масалан:

Мен киши билан гаплашдим كلمت الرجلَ

У менга ваъда бердиوعدنى -

б) “кийинтирмоқ”, “таъминламоқ”, “тўлдириш” маъноларини англатувчи феъллардан кейин. Масалан:

У кийим кийди لبس ثوبًا

У нонга тўйдирилди (тўйди) شبع خبزًا

в) “келмоқ”, “етиб келмоқ” маъносини англатувчи феъллардан кейин ҳам воситасиз тўлдирувчи келади. Масалан:

У шаҳарга етиб келди وصل المدينةَ

У уйга кирди دخل البيتَ

г) “бирор нарсани ташламоқ” маъносидаги феълларда “ташланиши лозим бўлган предмет” одатда кўмакчи билан келади, нарса ташланаётган предмет ёки шахс эса насб ҳолатига қўйилади. Масалан:

Мен унга тошни ташладим رميته بحجرٍ

У овга ўқ уздиرمى الصيد بسهم -

д) “жўнатмоқ” маъносини англатувчи феъллардан кейин ҳам воситасиз тўлдирувчи келади ва баъзида бундай феъллар “ب” кўмакчиси билан ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан:

У элчини юборди بعث رسولاً

У китобни юборди بعث بكتاب

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, гапда тўлдирувчининг келиши феълга боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан феъллар икки турга бўлинади, биринчиси ўтимли феъллар - أفعال متعدية бўлса, иккинчси ўтимсиз феъллар - أفعال لازمة деб аталади.

Ўтимли феъллар - أفعال متعدية ўзидан кейин “кимни?”, “нимани?” сўроқларига жавоб бўлувчи воситасиз тўлдирувчини келишини талаб этади.

Наҳвшунос олимлар воситасиз тўлдирувчини талаб қилувчи мана шу ўтимли феълларни ҳам тўрт турга бўладилар. Жумладан, Ўрта асрнинг машҳур тилшунос олими Саййид Шариф Журжоний ўзининг “Наҳви Мир” номли асарида ўтимли феълларни қуйидаги турларга бўлган:

1. Битта мафъул (воситасиз тўлдирувчи)ни келишини талаб қилувчи феъл. Масалан: ضَرَبَ زَيْدٌ عَمْرًا -Зайд Амрни урди. Бу жумлада ضَرَبَ – урди, феъли ўтимли бўлиб, гапда фақат битта воситасиз тўлдирувчини келишини талаб қилган ва у “Амрни” сўзидир.

وَثَانِيهَا: يَتَعَدَّى إِلَى مَفْعُولَيْنِ، يَجُوزُ فِيهِ الإِقْتِصَارُ عَلَى أَحَدِهِمَا، مِثْلُ: «أَعْطَى» وَمَا فِي مَعْنَاهُ نَحْوُ: «أَعْطَيْتُ زَيْدًا دِرْهَمًا»، يَجُوزُ «أَعْطَيْتُ دِرْهَمًا» أَيْضًا .

2. Гапда икки мафъул биҳини келишини талаб қилувчи феъл. Бундай феълларга أَعْطَى ва унинг маъносидаги феъллар киради. Масалан: أَعْطَيْتُ زَيْدًا دِرْهَمًا -Зайдга дирҳамни бердим. Бу гапни أَعْطَيْتُ دِرْهَمًا - Дирҳамни бердим, шаклида битта мафъулни қисқартирган ҳолда ифодалаш ҳам мумкин.

وَثَالِثُهَا: يَتَعَدَّى إِلَى مَفْعُولَيْنِ، وَلَا يَجُوزُ الإِقْتِصَارُ عَلَى أَحَدِهِمَا، وَهَذَا فِي أَفْعَالِ الْقُلُوبِ مِثْلُ: عَلِمْتُ، وَظَنَنْتُ، وَحَسِبْتُ، وَخِلْتُ، وَزَعَمْتُ، وَرَأَيْتُ، وَوَجَدْتُ، نَحْوُ: «عَلِمْتُ زَيْدًا فَاضِلًا»، وَ«ظَنَنْتُ زَيْدًا قَائِمًا .»

3. Гапда икки мафъул биҳини келишини талаб қилувчи феъл. Бу ҳолат “тахмин, фараз” маъносидаги феълларда учрайди ва улар араб тилида “أَفْعَالِ الْقُلُوبِ”деб аталади. Бундай феъллар таркибига: عَلِمْتُ، وَظَنَنْتُ، وَحَسِبْتُ، وَخِلْتُ، وَزَعَمْتُ، وَرَأَيْتُ، وَوَجَدْتُ каби феъллар киради. Бу феъллар ишлатилганида албатта иккита воситасиз тўлдирувчи келиши шарт, яъни юқоридаги каби битта мафъулни қисқатириб ифодалаб бўлмайди. Масалан: عَلِمْتُ زَيْدًا فَاضِلًا - Зайдни фозил (инсон) деб билдим. ظَنَنْتُ زَيْدًا قَائِمًا - Зайдни тик турган, деб ўйладим (Sayyed Sharif Djurjaniy, 1997, p.51.).

Шу ўринда яна бир маълумотни келтириб ўтишимиз керакки, “тахмин ва фараз” маъносидаги феъллар аслида феълий эмас, балки исмий жумла таркибида келиб, мана шу исмий жумланинг мубтадо(эга) ва хабар(от-кесим)ини ўзининг икки мафъули, яъни воситасиз тўлдирувчиси сифатида насб(тушум келишиги)да туришини талаб қилади. Юқоридаги, ظَنَنْتُ زَيْدًا قَائِمًا - Зайдни тик турган, деб ўйладим, жумласи аслида زيد قائم- Зайид тик турибди, шаклида исмий жумла бўлган ва бу жумла таркибига “тахмин ва фараз” маъносидаги феъллардан бири бўлган “ظَنَنْتُ” феъли қўшилган ва у асли гапнинг эга ва от-кесими бўлган сўзларни ўзининг воситасиз тўлдирувчисига айлантирди.

وَرَابِعُهَا: يَتَعَدَّى إِلَى ثَلَاثَةِ مَفَاعِيلَ، مِثْلُ: ، وأَرَى، وأَنْبَأَ، وأَخْبَرَ، وخَبَّرَ، ونَبَّأَ، وحَدَّثَ، مِثْلُ: «أَعْلَمَ اللهُ زَيْدًا عَمْرًا فَاضِلًا .»

Араб тилида أَعْلَمَ ، وأَرَى، وأَنْبَأَ، وأَخْبَرَ، وخَبَّرَ ونَبَّأَ، وحَدَّثَкаби бир қатор ўтимли феъллар борки, улар жумлада учта воситасиз тўлдирувчини келишини талаб қилади.

Масалан: أَعْلَمَ اللهُ زَيْدًا عَمْرًا فَاضِلًا - Аллоҳ Зайдга Амрни фозил инсон эканлигини билдирди.

Маълумки, юқоридаги мисолда келтирилган فَاضِلًا ,عَمْرًا ,زَيْدًا сўзлари тушум келишигида ифодаланган ва уларнинг ҳар бири мафъул биҳи (воситасиз тўлдирувчи)дир. Араб тили грамматикасида мафъул биҳи (воситасиз тўлдирувчи) гапда ноибу-л-фоил (гапнинг грамматик эгаси) вазифасини бажариши мумкин. Бунда гапдаги феъл мажҳул даражада ва ўтимли бўлиши керак.

Масалан: ضَرَبَ زَيْدٌ عَمْرًا -Зайд Амрни урди. Бу жумлада “Амрни” сўзи воситасиз тўлдирувчи бўлиб, уни келишига аниқ даражадаги ўтимли феъл сабаб бўлган. Агар бу жумладаги феълни мажҳул даражага қўйсак, жумла қуйидагича ифодаланади: ضُرِبَ عمرو – Амр урилди. Кўриб турганимиздек, феъл мажҳул даражага қўйилиши билан аввалги гапда воситасиз тўлдирувчи бўлган “Амрни” сўзи бош келишикда ифодаланиб, гапда энди ноибу-л-фоил (гапнинг грамматик эгаси) вазифасини бажариб келаяпти.

Хулоса. Юқорида араб тилида воситасиз тўлдирувчи, унинг турлари, ифодаланиши ва ишлатилиш ўрни тадқиқ қилинди ва бу тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тўлдирувчи воситали ва воситасиз бўлади. Ишҳаракатнинг объектини билдириб, “кимни?”, “нимани?” сўроғига жавоб бўлувчи тўлдирувчи воситасиз тўлдирувчи дейилади.

2. Араб тилида воситасиз тўлдирувчи - المفعول به - мафъул биҳи, деб номланиб асл тушум келишигидаги исмлар таркибида ўрганилади ва энг кўп ишлатиладиган гап бўлакларидан биридир.

3. Наҳвшунос олимлар воситасиз тўлдирувчини икки турга бўлганлар, булар аниқ ва яширин المفعول به лардир. Гапда у тушиб қолиши ҳам мумкин. Уни араб наҳвида “тақдирда мавжуд бўлиш” деб айтилади.

4. Гапда тўлдирувчининг келиши феълга боғлиқ бўлади ва ўтимли феъллар - أفعال متعدية ўзидан кейин “кимни?”, “нимани?” сўроқларига жавоб бўлувчи воситасиз тўлдирувчини келишини талаб этади.

5. Наҳвшунос олимлар воситасиз тўлдирувчини талаб қилувчи мана шу ўтимли феълларни ҳам тўрт турга бўладилар ва уларни битта, иккита ва учта воситасиз тўлдирувчини келишини талаб қилувчи ҳамда от-кесимли гапни эга ва кесимини воситасиз тўлдирувчига айлантирувчи феъллар, деб номлайдилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Abdujabborov, A. (2007). Arabic language. Arab tili. – Tashkent: Tashkent islamic university. – 307 p. (in Uzbek).

2. Begmatova B.M., Mutalova G.S., Kasimova S.S. (2023). The direct object and its use in arabic language. Boletin De Literatura Oral - The Literary Journal, Vol. 10 No. 1 (2023). (Scopus Q3). PP. 3601-3609. https://www.scopus.com/sourceid/21100810884.

3. Begmatova. B.M., Kasimova S.S. (2022). Study of the problem of predicativity and attribution in languistics. Central European Management Journal Vol. 30 Iss.3. PP.2242-2247. https://mjl.clarivate.com/search-results.

4. Begmatova B.M., Mutalova G.S., S.Korayem, Sh.Shamusarov, N.Saidova, (2024). Calling for the Use of Intermediate Language in Teaching Arabic to Non-Native Speakers, Its Foundations and Problems / Power System Texnology Journal, Том 48, № 4 (Scopus Q1) PP. 2221-2236. ISSN: 1000-3673. https://powertechjournal.com/index.php/journal/issue/view/28

5. Grande, B.M. (1998). Course of Arabic grammar in comparative-historical light. Kurs arabskoy grammatiki v sravnitel'no-istoricheskom osveshenii. – Moscow: RAN. – 592 p. (in Russian)

6. Ibragimov, N., Yusupov, M. (2009). Arabic grammar. Arab tili grammatikasi. – Namangan: Ibrat. – 563 p. (in Uzbek).

7. Nosirova, M.A. (2005). Mahmud Zamakhshari‘s treatise Al-Unmuzaj. Mahmud Zamaxshariyning “Al-Unmuzaj fi-n-nahv” risolasi. – Tashkent: Uzbekistan. – 186 p. (in Uzbek).

8. Sayyed Sharif Djurjaniy. (1997). Nahvi Mir. Nahvi Mir. – Karachi: Pakistan. – 78 p. (in Arabic).

9. Sheikh Al-Ghalayni, M. (2007). Collection of Arabic Lessons. Ash-Shayx al-G‘alayiyniy, Mustafa. Jami’ ad-durus al-arabiyya. – al-Qahira: Dar al-g‘ad al-jadid. – 590 p. (in Arabic).

10. Nemah, Fouad. Summary of Arabic Grammar Rules. (1998). Mulaxxas qava’id al-lug‘a al-arabiyya. – Misr: Nahdat Misra. – 855 p. (in Arabic).

11. Mahmud Zamakhshari. (1987). Example in grammar. Al-Unmuzaj fi-n-nahv. – al-Qahira: Misr. – 40 p. (in Arabic).

12. Nasif, Khifni et al. Grammar lessons (2006). ad-Durus an-nahviyya. – Misr, al-Iskandariyya: Dar al-Aqida. – 415 p. (in Arabic)